

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон
нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат
инспекцияси “Ўздавнефтгазинспекция” томонидан тадбиркорлик
субъектлари фаолиятини текширишнинг йиллик мувофиқлаштирилган
режа-жадвалларини
шакллантириш тартиби тўғрисидаги**

Н И З О М

Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрдаги “Тадбиркорлик субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги, “Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида”ги 1997 йил 25 апрелдаги, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлиги кафолатлари тўғрисида”ги 2000 йил 25 майдаги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги “Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-3665-сонли Фармонининг 4-банди, 2015 йил 15 майдаги “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4725-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 13 июлдаги 328-сонли қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси “Ўздавнефтгазинспекция” (кейинги матнларда – “Ўздавнефтгазинспекция”) ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан назорат остидаги тадбиркорлик субъектларда ўтказиладиган режали текширишлар даврийлигини ҳамда текширишлар режа-жадвали лойиҳасига киритиш учун таклиф этиладиган тадбиркорлик субъектларини танлаш тартибини белгилайди.

2. “Ўздавнефтгазинспекция” марказий аппарати ва ҳудудий бўлимларининг текширишларни мувофиқлаштириш бўйича маъсул ходимлари текширишлар режа-жадвалига киритиш учун таклиф этиладиган тадбиркорлик субъектларини танлаш жараёнида мазкур Низомда белгиланган талабларнинг бажарилишига жавобгардирлар.

**Текширишлар режа-жадвалига киритиладиган тадбиркорлик
субъектларини танлаш тамойиллари**

3. Нефть, газ ва газ конденсатини қазиб чиқарувчи ва қайта ишловчи, нефть ва газ маҳсулотларини етказиб берувчи, сақловчи ва тарқатувчи, автомобилларга ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари, сиқилган ва суюлтирилган газ сотиш субъектлари ҳамда ёқилғи, нефть маҳсулотлари, табиий, сиқилган ва суюлтирилган газдан фойдаланувчи (сарфловчи) тадбиркорлик субъектлари “Ўздавнефтгазинспекция” назорати остидаги тадбиркорлик субъектлари тоифасига киради.

4. “Ўздавнефтгазинспекция” назорати остидаги тадбиркорлик субъектларида микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларида режали текширишлар **тўрт йилда бир марта** ўтказилади.

5. “Ўздавнефтгазинспекция” назорати остидаги бошқа тадбиркорлик субъектларида режали текширишлар **уч йилда бир марта** ўтказилади.

6. “Ўздавнефтгазинспекция” томонидан келгуси йил текширишлар режа-жадвалига киритиш учун танланадиган тадбиркорлик субъектлари рўйхати унинг ҳудудий бўлимларида мавжуд маълумотларни (олдинги текшириш яқунлари, камерал кузатув ва ўрганиш натижалари, ташкилотлар ва фуқоролардан келиб тушган маълумотлар ва х.к.з.) батафсил таҳлил қилиш асосида ишлаб чиқилади.

7. Текширишлар режа-жадвалига киритиш учун танланган ва таклиф этилган субъектларнинг, режа-жадвални ишлаб чиқиш жараёнида ҳақиқатда фаолият юритаётганлиги ва уларда “Ўздавнефтгазинспекция” назорати остидаги тадбиркорлик субъектларда фаолиятининг мавжудлиги учун тегишли ҳудудий бўлим бош технологлари жавобгардирлар.

8. Мазкур Низом асосида тузилган “Ўздавнефтгазинспекция” назорати остидаги субъектлар рўйхати марказий аппарат томонидан “Республика текширишлар режа-жадвалини шакллантириш ва бажарилишини назорат қилиш» компьютер дастурий маҳсули маълумотлар базасига киритиш учун Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши (кейинчалик - Кенгаш) ишчи органига электрон шаклда тақдим этилади.

Заруратга қараб “Ўздавнефтгазинспекция” томонидан назорат остидаги тадбиркорлик субъектлар ҳолатидан (тугатилиши, қайта ташкил этилиши, фаолият турини ўзгартириш, банкрот деб эътироф этилиши ва х.к.з.) келиб чиққан ҳолда Кенгаш ишчи органига уларни назорат остидаги субъектлари рўйхатидан чиқариш ёки янги ташкил этилган субъектларни ушбу рўйхатга қўшимча равишда киритиш тўғрисида тегишли асослар билан таклифлар киритиб борилади.

9. Ушбу Низом асосида келгуси йил текширишлар режа-жадвалига киритиш учун танлаб олинган тадбиркорлик субъектлар рўйхати “Ўздавнефтгазинспекция” ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан Адлия вазирлигида 2006 йил 6 майда 1573-сон билан рўйхатга олинган Низомда белгиланган тартиб ва муддатларда Кенгаш ва унинг тегишли ҳудудий комиссиялари ишчи органларига тақдим этилади.